

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

СОБИРОВ ЖАСУР ҒАЙБИЛЛАЕВИЧ

**АОРТА ЁЙИ ТАРМОҚЛАРИ ВА ОЁҚ АРТЕРИЯЛАРИ ҚЎШМА
ЗАРАРЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак ва қон-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Собиров Жасур Гайбиллаевич

Аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма зарарланган
беморларни хирургик даволашни оптималлаштириш 5

Собиров Жасур Гайбиллаевич

Оптимизация хирургического лечения больных с сочетанным
поражением ветвей дуги аорты и артерий нижних конечностей 21

Sobirov Jasur Gaybillaevich

Enhancement of surgical treatment of the patients with concomitant
lesions of aortal arch branches and lower limb arteries 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

СОБИРОВ ЖАСУР ҒАЙБИЛЛАЕВИЧ

**АОРТА ЁЙИ ТАРМОҚЛАРИ ВА ОЁҚ АРТЕРИЯЛАРИ ҚЎШМА
ЗАРАРЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак ва қон-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib137 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Асамов Равшан Эркинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Ирназаров Акмал Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	«А.В. Вишневский номидаги хирургия миллий тиббий текшириш маркази» Федерал Давлат бюджет ташкилоти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (34-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

А.Х. Бабажанов

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгашилмий котиби, т.ф.д.

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, замонавий тиббиёт тараққиётига қарамасдан, аввалам бор хавфли омиллар ҳақидаги илмий ишлар, уларни бартараф этишга қаратилган фаол кураш, янги дори воситалари ва хирургик даволаш усулларининг татбиқ этилишига қарамасдан юрак қон томир касалликлари асосий ўлим сабаби бўлиб қолмоқда (31%). 2015 йилда 17,7 млн. инсон юрак қон томир патологиясидан вафот этди, шундан 7,4 млн. тож томирлар патологиясидан ва 6,7 млн. инсультдан¹. Б.Г. Гафуровнинг (2016) маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ҳар йили 66 мингдан ортиқ инсульт рўйхатга олинади, бу эса ҳар 100000 аҳолига 178,1 тани ташкил этади. Бунда ишемик ва геморрагик инсультнинг ўзаро нисбати 4,8:1 га тенг. Ишемик инсульт структурасида 70-74% ни атеротромботик, 16-20% - кардиоэмболик ва 10% - лакунар тури ташкил этади (Гафуров Б.Г., 2010²; Каримов Ш.И., 2016³). Барча юрак қон томир касалликларининг 20% дан ошиғини, аксарият қисми атеросклероз бўлган, оёқ артерияларининг суриккали окклюзион-стенотик касалликлари ташкил этади. Бу эса барча аҳоли сонининг 2-3% га тўғри келади⁴. Оёқ артериялари атеросклерози ташхиси қўйилгандан кейинги дастлабки 5 йилда, беморларнинг 50% дан ортиғи мультифокал атеросклерознинг кўриниши бўлган инфаркт ва инсультдан вафот этади (Игнатъев И.М., 2010⁵). Бундан ташқари, тўпиқ-елка индексининг ҳар 0,1 га пасайиши миокард инфаркти ривожланиши хавфини 10% га оширади⁶.

Жаҳон амалиётида, тарқалган атеросклерознинг оғир асоратлари бўлган инфаркт, инсульт ва оёқ гангреналарини камайишига туртки бўладиган, асимптом зарарланишларни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган скрининг ишларига катта эътибор берилмоқда. Шунга қарамасдан, АҚШ ва Оврупа давлатларида атеросклероз ва унинг асоратлари тиббиётдаги биринчи рақамли муаммо бўлиб қолмоқда ва инсульт катта ёшдаги аҳоли ўлим кўрсаткичига кўра учинчи ўринга чикди. Шу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, ҳалқаро юрак қон томир ва эндоваскуляр хирурглар жамиятлари

¹ World Health Organization. Cardiovascular diseases: fact sheet no.317. World Health Organization website. 2017. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs317/en/> accessed January 21

² Гафуров Б. Г. Распространенность мозгового инсульта в Узбекистане по данным госпитального регистра //Материалы Республиканской научной конференции. – Ташкент, 2010. – С. 45.

³ Каримов Ш.И. Что дал наш десятилетний опыт диагностики и лечения больных с хронической сосудисто-мозговой недостаточностью, а также проблемы и перспективы// Актуальные вопросы диагностики и хирургического лечения хронической сосудисто-мозговой недостаточности: Материалы республиканской научной конференции. - Ташкент, 2016. - С. 10-16.

⁴ Асраров У. А. Выбор хирургического лечения больных с хронической сосудисто-мозговой недостаточностью при мультифокальном атеросклерозе: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - Ташкент, 2010. – 42 с

⁵ Игнатъев И. М., Бредихин Р. А. Мониторинг мозговой гемодинамики при операциях на брахиоцефальных артериях // Ангиология и сосудистая хирургия. – 2010. – Т.16, №3. – С.107-111

⁶ Pros N., Cambou J.P., Aboyans V., et al. A hospital discharge risk score for 1-year all-cause mortality or non fatal cardiovascular events in patients with lower-extremity peripheral artery disease, with and without revascularization //Eur J Vasc Endovasc Surg. 2013; 45 (5): pp.488-496.

томонидан ҳар бир артериал ҳавзани диагностикаси ва давосига қаратилган бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, сўнгги ўн йилликда амалиётга қадар хавфли омилларни баҳолашнинг кўп сонли усуллари ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга татбиқ этилган. Улар, асосан, аорта ёйи тармоқлари, қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланишини даволашнинг узок муддатли натижаларига таъсир қилувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган.

Мультифокал атеросклероз каби оғир патологияни даволаш кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифатини таъминлашнинг устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада, хусусан, кўшма атеросклерозли беморларни диагностикаси ва хирургик даволашда муайян ижобий натижаларга эришилган. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон аҳолиси саломатлигига цереброваскуляр касалликлар, периферик атеросклероз ва юрак ишемик касалликлари катта зарар етказмоқда. Шунинг учун профилактика, эрта ташхислаш ва даволаш чораларини кучайтириш борасидаги асосий чоралар, биринчи навбатда, шу касалликларга қаратилиши лозим, уларнинг асосида эса, ҳаммага маълумки, атеросклероз ётади. Шунингдек, бу касалликларнинг ёшлар орасида прогрессив тарқалиши эътиборни ўзига тортади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган⁷. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, артериал ҳавзалар кўшма зарарланишли беморларни кўрсатмаларни оптималлаштириш ва даволаш тактикасини танлашни такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги ПҚ-266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда турли артериал ҳавзалар атеросклеротик зарарланиши оқибатида юзага келадиган касалликлар сони тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Бу патология юқори ўлим ва ногиронлик

⁷ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

кўрсаткичи билан характерли, ташхислаш ва даволаш етарлича мураккаб ва музокарали бўлиб қолмоқда (Асраров У.А., 2010⁴; Каримов Ш.И., 2016³). Бир неча артериал ҳавзалар кўшма зарарланган беморлар, адекват хирургик давони танлаш ва даволаш натижаларига кўра энг мураккаб беморлар гуруҳини ташкил этади⁸. Қорин аортаси ва оёқ артериялари, аорта ёйи тармоқлари билан кўшма атеросклеротик зарарланиши кенг тарқалган, баъзи маълумотларга кўра, бундай кўшма зарарланишлар 50-60% га етади. Бундай турли артериал ҳавзалар кўшма зарарланишлари кўпроқ кекса (65-74 ёш) ва қарияларда (75-84 ёш) аниқланади (Каримов Ш.И., 2016³; Barbetta I., 2015⁹).

Турли артериал ҳавзалар кўшма атеросклеротик зарарланишлари, одатда, кескин клиник кўринишда кечади, самарасиз оқибат билан характерланади, оператив муолажалар асорат ва ўлимнинг юқори хавфига эга. 5 йиллик яшаш кўрсаткичи коронар атеросклерозли беморларда 70%, уйқу артериялари изоляцияланган стеноitik зарарланишларида –80%, оёқ артериялари облитерацияловчи атеросклерозида – 85% дан кўпроқни ташкил этади. Шу билан бирга, бу кўрсаткич бир неча артериал ҳавзалар кўшма зарарланишларида 50% дан ошмайди (Алиджанов Х.К., 2012¹⁰; Барбараш Л.С., 2013¹¹). Бу муаммони ҳал қилишда, қорин аортаси ва оёқ артериясида реконструктив амалиётлар вақтида кўп миқдордаги бош мия қон айланиш етишмовчилиги юзага келиши ҳам долзарблаштиради. Мультифокал атеросклерозли беморларда, реконструктив амалиётлардан кейин артериал ҳавзаларда декомпенсация оқибатида 15-17% ҳолатларда ишемик неврологик, 17-23% да – кардиологик асоратлар юзага келади. Кўшма амалиётлардан кейин ўлим кўрсаткичи ўртача 6% ни ташкил этади (Алиджанов Х.К., 2012¹⁰; Белов Ю.В., 2013¹²).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бундай гуруҳ беморларни прогнозлаш, асоратлар эҳтимолини баҳолаш ва оптимал хирургик даволашни танлашга қаратилган масалалар ҳозиргача мунозарали бўлиб қолмоқда. Текширув усуллари жуда кўп, лекин уларни интеграл баҳоловчи усул ва бу беморларда артериал ҳавзаларда хирургик муолажа босқичлари масаласида ягона тўхтамга келинмаган, бу эса даволаш-диагностика тактикасини яхшилашни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши қуйидаги илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган: АДСС 3.2

⁸ ACC/AHA. Pocket Guideline Update. "Perioperative Cardiovascular evaluation for noncardiac surgery". A report of the American College of Cardiology /American Heart Association. Task Force on Practice Guidelines. 2011. P. 44

⁹ Barbetta I. Validation of risk scoring system to predict life expectancy after CEA on patient with Asymptomatic Carotid Artery Stenosis. //EJVES. 2015, issue3,volume50, pp.396-397

¹⁰ Алиджанов Х. К. Возможности реваскуляризации головного мозга путём реконструкции наружной сонной артерии у больных с окклюзией внутренней сонной артерии: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – Ташкент, 2012. - 34 с.

¹¹ Барбараш Л. С., Сумин А. Н. Роль коронароангиографии в снижении числа кардиальных осложнений при сосудистых операциях // Ангиология и сосудистая хирургия. – 2012. – Т. 18, №4. – С. 33-41.

¹² Белов Ю. В., Степаненко А. Б. Результаты одномоментных операций протезирования восходящего отдела аорты и реваскуляризации миокарда // Патология кровообращения и кардиохирургия. – 2013. - №1. - С.101-108

«Вертебробазилляр ва каротид ҳавза зарарланган беморларни диагностика ва хирургик даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш» (2012-2015й); АДСС 15.3.2 Каротид, тож ва оёқ қон томирлари қўшма зарарланган беморларни хирургик, эндоваскуляр даволашда замонавий технологияларни интеграциялаш: (ПЗ-2014-0907181559) «Атеросклероз ва носпецифик аортоартериитда аорта ёйи тармоқлари зарарланган беморларни ташхислаш ва хирургик даволашда янги усулларни ишлаб чиқиш» (2015-2018й).

Тадқиқотнинг мақсади замонавий диагностика усуллари кўллаш, натижаларни интеграл баҳолаш ва оптимал тактикани танлаш йўли билан аорта ёйи тармоқлари, қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари қўшма атеросклеротик зарарланган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма атеросклеротик зарарланган беморларда асорат ривожланиш хавф даражасини баҳолаш ва хавфли омилларни хирургик даволаш натижасига таъсирини ўрганиш;

аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари зарарланишлари оғирлигини интеграл баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

оғирлик даражасини баҳолаш усулининг аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма атеросклеротик зарарланган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;

аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма атеросклеротик зарарланган беморларни хирургик даволаш кетма кетлигини аниқлаш мезонларини таклиф этиш;

бу гуруҳ беморларда амалиётдан кейинги бевосита натижаларни таҳлил қилиш ва артериал ҳавзаларда хирургик даволаш тактикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази қон томир хирургияси бўлимида 2001-2016 йилларда операция бажарилган 188 та аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма атеросклеротик зарарланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб турли реконструктив амалиётлар натижаси, артериал ҳавзалар зарарланиш ангиоархитектоникаси ва ишемия юзага келган аъзолар функционал ҳолати таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал (уйқу артерияси УТДС, ТКДГ, МСКТ-ангиография, МРТ, КТ, рентген-ангиографик текширув ва б.), махсус (хавфли омилларни ўрганиш ва артериал ҳавзалар зарарланишининг оғирлигини интеграл баҳолаш усуллари) ва статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

диагностик текширувлар натижасини ягона миқдорий кўрсаткичга бирлаштирувчи аорта ёйи тармоқлари зарарланиш оғирлигини интеграл баҳоловчи усул ишлаб чиқилган;

қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланиш оғирлигини интеграл баҳоловчи усул ишлаб чиқилган;

бу гуруҳ беморларда SMART прогностик усулини қўллаб, хавфли омилларнинг хирургик даволашнинг яқин натижаларига таъсири ўрганилган;

зарарланишнинг оғирлигини интеграл баҳолаш ва даволаш-диагностика тактикаси алгоритмини яхшилаш эвазига хирургик даволашнинг оптимал тактикаси таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма атеросклеротик зарарланган беморларда хавфли омилларни ўрганиш асосида 80% дан ортик беморлар амалиётдан кейинги асоратлар ривожланиш юқори хавфига эга эканлиги аниқланган;

амалиётга қадар хавфли омилларни коррекция қилиш натижасида амалиётдан кейинги асоратлар эҳтимоллиги камайиши исботланган;

текширувлар клиник, гемодинамик ва ангиосемиотик натижаларини интеграл миқдорий ўлчаш усули таклиф этилган;

клиник амалиётда ҳар бир беморда хавф даражасини баҳолаш ва хирургик даво натижасини яхшилашга ёрдам берувчи хирургик тактиканинг даволаш-диагностика алгоритми таклиф этилган;

аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма зарарланган беморларда хирургик муолажалар оптимал кетма-кетлиги аниқланган;

аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма зарарланган беморларда миқдорий кўрсаткичларни калькуляция қилувчи ва хирургик тактикани аниқлаб берувчи диагностика ва даволаш тактикасини танлаш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланувчи клиник, инструментал, статистик усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган ҳолатлар, хулоса ва таклифлар аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма зарарланган беморларда диагностиканинг клиник, гемодинамик, ангиосемиотик натижаларини интеграл баҳолаш ва хирургик тактикани оптималлаштиришда катта ҳисса қўшишидан иборат. Ишнинг айрим натижалари бир неча артериал ҳавзалар атеросклеротик зарарланган беморлар диагностикаси ва даволаш бўйича магистрлар ва клиник ординаторларни ўқитиш дастури таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги асосий хулоса ва тавсиялар тиббиёт муассасалари қон томир хирургия бўлимида қўшма атеросклеротик зарарланган беморлар диагностикаси ва даволашда қўлланиши мумкинлигидан иборат. Интеграл баҳолаш усули ва хирургик тактикани танлашнинг оптималлаштирилган алгоритмини қўллаш амалиётдан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш имконини берган. Ўтказилган

таҳлил шуни кўрсатдики, бир неча артериал ҳавзалар атеросклеротик зарарланган беморларни даволаш натижасига таъсир этувчи ўртача 5-6 та хавфли омил билан амалиётдан кейинги даврда асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳни ташкил этади. Босқичли ва кўшма амалиётлар миқдорий ва сифат кўрсаткичларига асосланган катъий кўрсатмалар билан бажарилиши керак.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма атеросклеротик зарарланган беморлар диагностикаси ва хирургик даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган «Аорта ёйи тармоқлари зарарланиш оғирлигини баҳолаш усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05388-сон патент, 2017 йил). Тадқиқот натижалар шуни кўрсатдики, зарарланиш индекси (Сi) ўртача 4,4-4,7 баллни ташкил этган;

ишлаб чиқилган «Оёқ артериялари зарарланиш оғирлигини баҳолаш усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05495-сон патент, 2017 йил). Тадқиқот натижалар шуни кўрсатдики, зарарланиш индекси (Li) ўртача 9-10 баллни ташкил этган;

аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма атеросклеротик зарарланган беморларни хирургик даволашни яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган хурургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Наманган вилоят Кардиология марказлари амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2017 йил 13 февридаги 8н-д/5-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасига кўра, таклиф этилган хирургик даволаш тактикасининг танлаш алгоритминини қўллаш амалиётдан кейинги шунт тромбозини 6,7% дан 1,16% га, оёқ ампутациясини 2,94% дан 0% га, ўткир миокард инфарктини 4,9% дан 1,16% га, бош мия қон айланиши ўткир бузилишини 1,97% дан 0% га ва ўлим кўрсаткичини 4,9% дан 1,16% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та, шу жумладан, 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, ихтиро учун 2 та патент, ЭҲМ учун 1 та дастур, 4 та мақола, улардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгиликлар ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти келтирилган, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги, ҳажми ҳамда диссертациянинг қисқа тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма зарарланиш муаммосининг замонавий ҳолати”**, деб номланган биринчи боби саккиз бўлимдан иборат бўлиб, унда аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма зарарланган беморларни ташхислаш ва хирургик даволашни танлашнинг замонавий қарашлари, бу беморларни даволашнинг долзарб ва мунозарали масалалари кўрсатилган. Хавфли омиллар юқори бўлган ўта оғир аҳволдаги беморларда, анаъанавий хирургик даволаш усулларини қўллаш муаммоларни юзага келтиради. Замонавий диагностика усуллари жуда кўп, лекин артериал ҳавзалар зарарланишини ягона баҳолашга (зарарланишнинг клиник, гемодинамик и топик натижаларини) қаратилган илмий ишлар йўқ. Шунингдек, хирургик даволаш тактикасини танлашга қаратилган масалалар мунозарали бўлиб, кўпчилик муаллифлар индивидуал ёндошувга эга, аммо миқдорий ва сифатий баҳолашга қаратилган ишламалар етарли эмас.

Диссертациянинг **“Илмий изланишнинг материал ва қўлланилган услублар клиник тавсифи”**, деб номланган иккинчи бобида материал, услубларнинг клиник тавсифи ва текширув натижалари келтирилган. Тадқиқот ишида Академик В. Вохидов номидаги РИХИАТМ» да 2001 – 2016 йиллар оралиғидаги даврда аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма зарарланган 188 та беморларни хирургик даволаш натижалари тахлилига асосланган. Тадқиқотга ҳар икки артериал ҳавзада гемодинамик аҳамиятли торайиш бор беморлар ажратиб олишган. Қўлланилган даволаш диагностика тактикасига кўра беморлар икки гуруҳга бўлиб ўрганилган;

- таққослаш гуруҳида 102 (54,25%) нафар беморга 2001-2010 йилларда даволаш диагностика тактикаси ишлаб чиқиш босқичида операция ўтказилган.

- асосий гуруҳни 86 (45,65%) бемор ташкил этиб, уларга 2011-2016 йилларда хирургик даволашни танлашнинг оптималлаштирилган тактикаси қўлланилган.

Иккала гуруҳда эркак жинсига мансуб беморлар - 97,7% ни ташкил қилди, беморларнинг ёши 41 дан 78 гача бўлиб, ўртача ёш кўрсаткичи $61 \pm 0,7$ ёшни ташкил қилди.

Тадқиқотлар давомида қуйидаги текширувлар ишлатилган: аорта ёйи тармоқлари зарарланишини ташхислаш усуллари (уйқу артериялари УТДС, ТКДГ, МРТ ва МСКТА); тож томирлар зарарланишини ташхислаш усуллари (ЭКГ, ЭхоКГ, коронарография, ўнг вентрикулография, холтер тести); оёқ томирлар зарарланишини ташхислаш усуллари (УТДГ, МРТ ва МСКТА).

Қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланишининг визуализация усулларида олинган натижалари TASC II тавсиялари буйича таснифланди. 90% беморларда аорта ёнбош сегменти зарарланишлари аниқланди. Иккали гуруҳда ҳам учраш частотасига кўра зарарланишнинг D тип (56,4%) (тегишли равишда 58% ва 55%). Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, текширувдаги беморлар 375 оёғидан 61,5% да (230та) сон тизза ости сегменти зарарланишлари аниқланди. Бунда чов боғлами ости соҳаси томирларининг TASC II тавсияси буйича таснифланиши кўрсатдики, иккала гуруҳларда C тип - 25,6%, B -17% , A - 13,8% ва фақат D тип - 4,8% зарарланишлар аниқланди.

Диссертациянинг “**Аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма зарарланган беморларда хавф омилларини баҳолаш ва зарарланиш оғирлигини интеграл баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш**”, деб номланган учинчи бобида аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма зарарланган беморларни даволашда хавф омилларини баҳолаш ва зарарланиш оғирлигини интеграл баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш хақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот остидаги гуруҳларда 12 хавф омилларининг (ёш - 60 дан юқори, агар эркак жинси +1, чекиш, артериал гипертония, қандли диабет, ишемик инсульт, оёқлар критик ишемияси, қорин аортаси аневризмаси, ЮИК, МИ тарихи, аритмия, суриккали бронхит) мавжудлигини ўрганиш натижалари, шуни кўрсатдики иккала гуруҳда беморлар ўртача 5 дан ортиқ хавф омилларига эга (1-жад.).

1-жадвал

Гуруҳларда хавф омилларини аниқлаш натижаси

Гуруҳ	таққослаш гуруҳи (102)	асосий гуруҳ (86)
Минимал хавф (3 гача)	21 (20,6%)	8 (9,3%)
Ўрта хавф (4-5)	45 (44,1%)	38 (44,2%)
Юқори хавф (6 дан кўп)	36 (35,3%)	40 (46,5%)
Ўртача балл	5,1±0,2	5,4±0,18
Натижанинг ишончилиги	$\chi^2= 1.11; df=186; p= 0.27$	

Таҳлил шуни кўрсатадики, омилларни коррекцияси натижасида асорат юзага келиш эҳтимолий хавфини юқоридан (5,4±0,18) ўрта (3,0±0,13) даражага тушириш мумкин ($p<0,05$).

23 (12,2%) беморда КВГ натижаларини «SYNTAX SCORE» (SS) (<http://ir-nwr.ru/calculators/syntaxscore/frameset.htm>. манзилида онлайн калькуляция) усулида баҳолаш, кўрсатдики тож томирлари зарарланган беморлар, SS даражаси курсаткичи 22 баллгача – 36,4% ва 23 дан 32 гача - 54,5%, ўртача SS=20,8±2,15 балл бўлиб, гуруҳлар орасида бу кўрсаткичлар буйича фарқ аниқланмади. Бу беморларда «SYNTAX SCORE» кўрсаткичи 23 дан ошганда бирламчи вазифа коронар хавза коррекцияси ҳисобланади.

Бундай беморларнинг 4 (17,4%) тасида КА стентлаш ва 5 (26,6%) тасида коронар шунтлаш амалиёти бажарилди.

Хавфни SMART усулида баҳолаш натижаси, таққослаш гуруҳида ўртача $332,7 \pm 10$ ва асосий гуруҳда тегишли равишда $364 \pm 9,3$ баллни ташкил этди этди ($p < 0,05$). Натижадан кўриниб турибтики, таққослаш гуруҳида узок даврда инфаркт, инсульт ва ўлим ривожланиш эҳтимоли, кузатувнинг 1-йилида 3-5%, 5-йилда 12% бўлса, тегишли равишда асосий гуруҳда 1-йилда 10% ва 5-йилда 28% (2-жад.).

2-жадвал

SMART усулида беморларни баҳолаш натижаси

Гуруҳ	таққослаш гуруҳи (102)	Асосий гуруҳ (86)	Асорат эҳтимоли	
Ўртача жами балл	$332,7 \pm 10$	$364 \pm 9,3$ балл		
P	T= 2.29; df= 186; p= 0.02			
Жами хавф			1-йил	5-йил
паст (<100)	0	0	0%	1%
ўрта (101-225)	20 (19,6%)	3 (3,5%)	1%	5%
юқори (226-350)	32 (31,4%)	32 (37,2%)	3%	12%
Ўта юқори (>351)	50 (49%)	51 (59,3%)	10%	28%
P	$\chi^2=11.3$; df=2; p=0.004			

Текширувларнинг клиник, функционал, гемодинамик, топографик маълумотларини ягона баҳолаш тизими - артериал ҳавзаларнинг зарарланиш оғирлигини интеграл баҳолаш усули ишлаб чиқилди. «Интеграл» (лотинчадан Integer – яхлит) тушунчаси – ҳар томонлама - яъни қизиқтираётган барча фактор ва уларни баҳолашни ҳисобга олишдир.

Тадқиқотда бу гуруҳ беморларда хирургик тактикани танлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган аорта ёйи тармоқлари («Аорта ёйи тармоқларини зарарланиш оғирлигини баҳолаш усули», (21.04.2017й., № IAP 05388) ва оёқ артериялари («Оёқ артериялари зарарланиш оғирлигини баҳолаш усули», 10.11.2017й., № IAP 05495.) зарарланишини интеграл баҳолаш усуллари қўлланилган. Бу маълумотлар электрон ҳисоблаш дастурини шакллантиришда қўлланилди («Аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма зарарланган беморларни ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш дастури», №DGU 03691; 29.04.2016й.)

Аорта ёйи тармоқлари зарарланиши оғирлигини интеграл баҳолашни яхшилаш учун, беморлар клиник белгилари билан таснифланди, томирлар торайиш даражаси, атеросклеротик пилакча характери, умуртқа ўмов ости сегментининг ҳолати аниқланди. Аорта ёйи тармоқлари даражаси миқдорий кўрсаткичларни аниқлаш учун классификатор натижаси, атеросклеротик

пилакча характери ва торайиш даражаси тавсия этиладиган 1-формулага кўйилади. Маълумотлар 1- формулага кўйилади:

1 - формула ($Ci=d+4c+2St +v+1 p$)

бунда:

Ci (*Carotid index*)-аорта ёйи тармоқлари зарарланиш индекси; d (*degree*)-классификатор бўйича ишемия даражаси; 4- классификатор бўйича ишемия даражаси билан эквивалентликни таминлаш мақсадида уйқу артерияси тарайиш даражаси 4 коэффициентга кўпайтирилади; c (*common carotid artery*)- уйқу артерияси торайиш даражаси (масалан; 60% ўрнига фоизсиз 0,6); $2St$ (*Steal syndrome*)- умуртқа ўмров ости синдроми (адабиётларга кўра хар бир умуртқа артерияси бош мияни 10% га қон билан таъминлайди, синдром вақтида 10% қон орқага оқади, шунинг учун 2 коэффициент кўйилган); v (*vertebral artery*)- умуртқа ёки умров ости артерияси торайиши даражаси (фоизсиз); p (*plaque-бляшка*) – асоратланган пилакча (яраланган, тромбланган). Усул ўнг ва чап томон учун алоҳида қўлланилади.

Қуйидагича шакллантирилади: Cd (*dextra*) – ўнг; Cs (*sinistra*) – чап; C -суммар.

Шунингдек, оёқ артериялари учун оёқ артериялари зарарланиш оғирлигини интеграл баҳолаш усулини ҳам ишлаб чиқдик. Бунинг учун:

-беморлар Р. Fontaine (1954) классификацияси билан таснифланди;

-қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари торайиш даражаси визуализация усулларида аниқланди;

-тўпиқ елка систолик босим индекси оёқ артериялари доплерографиясида аниқланди.

Ҳар бир олинган маълумотлар 2 формулага кўйилди:

2 - Формула

$$Li=d+4(a+i+f+p+t)+4(1-ABI),$$

бунда: Li (*Lower extremitas artery indeks*)-оёқ артериялари зарарланиш оғирлиги индекси; d (*degree-степень*)- ишемии даражаси А. В. Покровский классификацияси бўйича таснифланди; a (*aortae abdominalis*)- қорин аортаси торайиш даражаси (масалан; 60% ўрнига фоизсиз 0,6); i (*iliac artery*)- ёнбош артерияси торайиш даражаси; f (*femoral artery*)- сон артерияси торайиш даражаси; p (*popliteal artery*)- тизза ости артерияси торайиш даражаси; t (*tibial artery*)- болдир артериялари торайиш даражаси, классификатор бўйича ишемия даражаси билан эквивалентликни таминлаш мақсадида бу ўринда ҳам тарайиш даражаси 4 коэффициентга кўпайтирилади; ABI (*ankle-brahial index*) –товон елка систолик индекси (ТЕСИ). ТЕСИ зарарланиш оғирлигига тескари пропорционал, шунинг учун (1-ABI) шаклида келтирилган. Бунда чап ва ўнг томонлар учун алоҳида аниқланди.

Қуйидагича шакллантирилади: Ld – ўнг, Ls -чап. L -суммар индекс.

Диссертациянинг “**Таққослаш гуруҳида аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма зарарланган беморларни даволаш самарадорлигини баҳолаш**”, деб номланган тўртинчи бобида 102 та (таққослаш гуруҳи) аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма зарарланган беморларнинг даволаш натижалари келтирилган. Бажарилган амалиёт турига кўра барча беморлар (асосий ва таққослаш гуруҳлари) уч туркумга ажратилди:

1) Биринчи босқичда – аорта ёйи тармоқларида (АЁТ) 18 та амалиёт бажарилди, булардан 61,1% каротид ҳавзада дистал зарарланиши сабабли. Хавф омиллари ва оғирлик индекси таҳлили кўрсатдики, ушбу беморлар ўртача $5,3 \pm 0,4$ омилга, юқори даражадаги SMART ($300,6 \pm 18$ балл) ва Li/Ci нисбати ўртача 0,96-1,1 кўрсаткичида бўлган.

2) биринчи босқичда - қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артерияларида 73 та амалиёт бажарилди, шундан 61,6% ҚАТҚ ва 38,4% оёқ артерияларида. Қон томир хирургиясида янги технологияларнинг татбиқ этилиши билан энловаскуляр амалиётлар борган сайин кўп ишлатилмоқда ва таққослаш гуруҳида биринчи босқичда 7 ҳолатда ТЛБАП амалиёти бажарилди. Хавф омиллари ва оғирлик индекси таҳлили кўрсатдики, ушбу беморлар ўртача $5,05 \pm 0,2$ омилга, юқори даражадаги SMART ($340,4 \pm 12,6$ балл) ва Li/Ci нисбати ўртача чапда 2,625, ўнгда 2,82 кўрсаткичида эга бўлган.

3) Иккала ҳавзада бир вақтда - 11 та амалиёт, шундан 54,54% каротид ва сон-тизза ости сегментида, 36,35% - каротид ва аорто- ёнбош сегментида бажарилди. Хавф омиллари ва оғирлик индекси таҳлили кўрсатдики, ушбу беморлар ўртача $4,8 \pm 0,4$ омилга, юқори даражадаги SMART ($338,3 \pm 27,7$ балл) ва Li/Ci нисбати ўртача ўнгда 1,54, чапда 2,1 кўрсаткичида эга бўлган.

Бу гуруҳида амалиётдан кейинги яқин даврда қониқарсиз натижалар 2 (1,97%) беморда ЎМҚБ (ипсилатерал томонда), 5 (4,9%) ОМИ, 7 (6,7%) шунт тромбози, шундан 3 (2,94%) ампутация билан яқунланди ва 5 (4,9%) беморда ўлим билан тугади.

Тадқиқот давомида қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланиш оғирлиги индекси аорта ёйи тармоқлари индексига (Li/Ci) нисбати ўрганилди. Таққослаш гуруҳидаги таҳлил шуни кўрсатдики, бирламчи аорта ёйи тармоқларида амалиёт бажарилган беморларда Li/Ci нисбати ўртача -1.0 ни ташкил этди. Агарда бирламчи оёқ артерияларида амалиёт бажарилган беморларда Li/Ci нисбати ўртача -2,7 ни ташкил этса, иккала артериал ҳавзадаги қўшма амалиётларда Li/Ci нисбати тегишли равишда ўртача -1,8 ни ташкил этди.

Диссертациянинг “**Аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма зарарланган беморларни хирургик даволаш тактикасини мукамаллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш**”, деб номланган бешинчи боби аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма зарарланган беморларни даволаш тактикасини танлашнинг такомиллаштирилган мукамаллаштирилган усулини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини асосий гуруҳ беморларда қўллаш натижалари келтирилган.

Такқослаш гуруҳидаги беморларда хавфни ва зарарланиш оғирлигини интеграл баҳолаш, хирургик даволаш натижасини тахлили натижасида тадқиқот остидаги беморларни хирургик даволаш тақикасини танлаш алгоритминини оптималлаштиришга имкон берди (1-расм). Алгоритмга кўра мультифокал атеросклерозга шубҳа бўлган беморлар барча артериал ҳавзалар – аорта ёйи тармоқлари, тож томирлари, қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланишини ташхислашга қаратилган клиник инструментар текширувлардан ўтадилар. Текширув натижаларига кўра Li, Ci, Li/Ci, SMART ва SYNTAX SCORE миқдорий кўрсаткичлари аниқланилади. Алгоритмининг асосий камчилиги Li, Ci, Li/Ci, SMART ва SYNTAX SCORE миқдорий кўрсаткичларини ҳисоблаш кераклигида. Шунинг учун, аорта ёйи тармоқлари (1 – формула), оёқ артериялари зарарланиш (2 - формула) оғирлиги индекси, SMART усулида хавфни баҳолаш миқдорий кўрсаткичларини ҳисоблашни, аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма зарарланган беморларни хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритминини ўз ичига олган электрон ҳисоблаш дастурини («Аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари кўшма зарарланган беморларни ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш дастури», №DGU 03691. 29.04.2016й.) ишлаб чиқдик. Тегишли бемор учун барча керакли натижаларни киритиб, “натижа” тугмачаси босилса электрон матрица Ci, Li, Li/Ci миқдори, SMART бўйича асоратлар хавфи даража ва фоизини (танловга кўра 1- ва 5-йиллик) ва алгоритм бўйича таклиф этиладиган хирургик амалиётни ҳисоблаб керади (1-расм).

Шунингдек, дастур SMART усули бўйича 1-, 5-йиллик асоратлар эхтимолини аниқлайди.

Асосий гуруҳ беморларда (86) амалиётларни мукамаллаштирилган танлаш тактикаси ва беморларни танловига кўра барча беморлар уч категорияга бўлинди:


- Li/Ci нисбати 1,5 гача бўлганда – аорта ёйи тармоқларида биринчи босқичда 15 та амалиёт бажарилди;

